

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*5311000 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқарини
автоматлаштириш ва бошқарни (қишилок хўжалигига) бакалавриат
таълим йўналишининг малака талаблари*

Тошкент

ЎзР ОУ
Бўйруқ № 418
14.08.20

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат аграр университети;

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, професионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14 » август даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14 » август даги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 310 000 - Муҳандислик иши таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабини расмий чоп этиш хукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>5311000 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириши ва бошқарни (қишлоқ хұжасында) бакалавриат таълим йұналишининг умумий тавсифи</i>	5
1.1.	Күлланиш соҳаси	5
1.1.1.	<i>5311000 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириши ва бошқарни (қишлоқ хұжасында) таълим йұналиши Малака талабининг күлланилиши.....</i>	5
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>5311000 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириши ва бошқарни (қишлоқ хұжасында) таълим йұналиши бүйича бакалаврлар касбий фаолияттарининг тавсифи</i>	5
1.2.1.	<i>5311000 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириши ва бошқарни (қишлоқ хұжасында) таълим йұналиши бүйича бакалаврлар касбий фаолияттарининг соҳалари.....</i>	5
1.2.2.	<i>5311000 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириши ва бошқарни (қишлоқ хұжасында) таълим йұналиши бүйича бакалаврлар касбий фаолияттарининг обьектлари.....</i>	6
1.2.3.	<i>5311000 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириши ва бошқарни (қишлоқ хұжасында) таълим йұналиши бүйича бакалаврлар касбий фаолияттарининг турлари.....</i>	6
1.2.4.	<i>5311000 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириши ва бошқарни (қишлоқ хұжасында) таълим йұналиши бүйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....</i>	5
2.	<i>5311000 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириши ва бошқарни (қишлоқ хұжасында) таълим йұналиши бүйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....</i>	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	8
2.2.	Касбий компетенциялар.....	8
2.3.	Касбий квалификациялар	10
3.	<i>5311000 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириши ва бошқарни (қишлоқ хұжасында) бакалавриат таълим йұналиши ўкув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....</i>	10

3.1.	<i>5311000 – Технологик жұзаралар ва ишилаб чықарышини автоматластыриши ва бошқаруши (қишилөк хұжасалығыда) бакалавриат таълим йұналиши үкув режаси ва фанлар дастурларында күйиладиган умумий талаблар.....</i>	10
3.2.	<i>5311000 – Технологик жұзаралар ва ишилаб чықарышини автоматластыриши ва бошқаруши (қишилөк хұжасалығыда) бакалавриат таълим йұналиши үкув режасидеги юклама ҳажми</i>	10
	Библиографик маълумотлар.....	11

**1. 5311000 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқарини
автоматлаштириши ва бошқарии (қишлоқ хұжасалығыда) бакалавриат
таълим йўналишининг умумий тавсифи**

5311000 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқарини автоматлаштириши ва бошқарии (қишлоқ хұжасалығыда) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил килинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиши соҳаси.

1.1.1. 5311000 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқарини автоматлаштириши ва бошқарии (қишлоқ хұжасалығыда) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 5311000 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқарини автоматлаштириши ва бошқарии (қишлоқ хұжасалығыда) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манбаатдор шахслар.

1.2. 5311000 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқарини автоматлаштириши ва бошқарии (қишлоқ хұжасалығыда) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 5311000 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқарини автоматлаштириши ва бошқарии (қишлоқ хұжасалығыда) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятнинг соҳалари:

5311000 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқарини автоматлаштириши ва бошқарии (қишлоқ хұжасалығыда) – ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги йўналиш бўлиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида амалга ошириладиган технологик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш, махсулотларни етиштиришда, уларни бирламчи қайта ишлашда ишлаб чиқариш ресурсларидан рационал фойдаланиш, технологик жараёнларни автоматлаштириш, автоматлаштириш воситаларинининг техник эксплуатацияси ва улардан самарали (эффектив) фойдаланишни таъминлаш учун инсон фаолияти воситалари, усувлари, методлари билан боғлиқ комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 5311000 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқарииши автоматлаштириши ва бошқарииши (қишлоқ хұжалигидан) таълим йұналиши бүйінча бакалаврлар касбий фаолиятларининг обьектлари:

- – қишлоқ хұжалиги ишлаб чиқаришида юқори унумдорликка эга технологик жараёнлар, аппаратлар ва жиһозлар ва уларни назорат қилиш, ростлаш ва бошқариш тизимлари, уларни созлаш, эксплуатация қилиш усуллари ва воситалари, шунингдек назорат, ростлаш ва бошқариш тизимларининг лойиха ҳужжатлари, таълим жараёнида мос касб-хунар колледжларидаги ұкув-тарбия жараёни;

- Йұналиши бүйінча фан, техника ва технологияларнинг замонавий յотүкшілери, кадрлар буортмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият обьектларидан құышымча ва ұзғарышилар бўлиши мумкин;

1.2.3. 5311000 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқарииши автоматлаштириши ва бошқарииши (қишлоқ хұжалигидан) таълим йұналиши бүйінча бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- ташкилий-бошқарув.
- ишлаб чиқариш ва хизмат күрсатиши;
- ахборот-таҳилий фаолият;
- илмий-тадқиқот фаолияти.

1.2.4. 5311000 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқарииши автоматлаштириши ва бошқарииши (қишлоқ хұжалигидан) таълим йұналиши бүйінча бакалаврларининг касбий вазифалари.

- қишлоқ хұжалиги соҳасидаги технологик жараёнларни автоматлаштирилган бошқарииши тизимлари, уларнинг ҳисоблари, алгоритмлари ва математик таъминотини ишлаб чиқши;

- автоматлаштириши тизимларидаги монтаж, созлаш, ишіга тушириши ва эксплуатация ишларини ташкил қилиши; қишлоқ хұжалиги соҳасидаги технологик жараёнлар бүйінча математик моделларни құллаш;

- технологик жараёнларни автоматлаштирилган бошқарув тизимларини шакллантириши ва текшириши;

- лойиҳалаш, жумладан автоматлаштирилган лойиҳалаш жараёнларини таҳлил қилиши, сиптезлаш;

- қишлоқ хұжалиги комплексіда автоматлаштириши құрылмалари, микропроцессор ва компьютер технологиялари ва дастурлардан фойдаланыш;

- дастурлық таъминот, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланыш; педагогик фаолиятда касбий таълим педагогикасы методлари, воситалари ва шаклларини мунтазам тәжірибелілік бориши:

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқарииши хизмат күрсатиши фаолиятида:

- ишлаб чиқарииши ташкил этиш ва бошқариш;
- ташкилот ва корхоналар фаолиятини стратегик ривожлантиришда замонавий іқтисодий билимларни құллаш орқали бошқариш;
- ташкилот, корхона ва уларнинг алохіда бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришини ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишини режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга кўйиш;
- бирламчи ишлаб чиқарувчи бўғин ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бүйінча иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш;
- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга тадбиқ этиш, ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;
- корхоналар ташкилий-бошқарув фаолиятида қабул қилинадиган карорларни ижтимоий-іқтисодий самарадорлик мезонлари асосида ишлаб чиқында ҳамда қарорларни муқобил вариантини танлаб олишни асослашда иштирок этиш;

- замонавий ахборот технологиялардан бошқарувда фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-мухитни муҳофаза килиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларидан фойдаланишини режалаштириш, фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарига инвестицияларни жалб қилиш механизмларини кўллаш, инвестийон лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бошқариш.

Ахборот-таҳлилий фаолиятида:

- бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ташкилотнинг ташкини ва ички муҳити омиллари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
- қарор қабул қилиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, ташкилотнинг ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини бошқариш, ташкилотлар фаолиятининг турли кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини юритиши;
- лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш;
- ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш;
- бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолаш.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқот институтлари ва марказларда тармоқлар ва соҳаларни замонавий бошқариш усуллари бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;
- хўжалик юритувчи субъектларни замонавий бошқариш тизимини таъминлашга бағишлиланган мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, маҳсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш ва тизимлаштириш;
- тармоқлар ва соҳаларни замонавий бошқариш тизимини таъминлаш борасидаги муаммоли мавзулар бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар хақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этиш.

2. 5311000 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришини автоматлаштириши ва бошқарши (қишилоқ хўяслигида) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- муҳандислик графикаси фазовий шаклларни текисликда тасвирлашнинг проекциялар методи, масалани ечиш алгоритмлари, геометрик моделлаштириш асослари, конструкторлик хужжатларининг мажмуй ҳақида амалий кўнинма ва уқувларни шакллантириши;
- компьютер графикаси, интерактив компьютер графикасининг дастуравий воситаларини кўллаш ва маълумотлар базасини тузиш; график маълумотларнинг икки ва уч ўлчамли электрон шаклларни яратиш, таҳрирлаш, сақлаш, узатиш ҳамда чоп этиш ёки намойиш этиш усуллари; замонавий лойиҳалаш ва конструкторлик хужжатларини бажаришда AvtoCAD истеъмолчилар пакети ва бошқа дастурларнинг сўнгги версияларидан фойдаланиш, алгоритмлаш ва дастурлаш, асосий кўринишлари, дастурлаш алгоритмлари, лойиҳалаш этаплари, дастурлашнинг модули ва структураси, статик ва

динамик маълумотлари, кириш ва чиқиш оқимлари, файллар, дастурлаш алгоритмларини лойиҳалаштириш, асосий принциплари ва ёндашувлари, амалий дастурий воситаларни ишлаб чиқиш стандартлари бўйича амалий кўникма ва укувларни шакллантириши;

электр занжирларининг асосий қонунлари, резистив занжирларнинг таҳлили, барқарор синусоидал режимларнинг таҳлили, резонанс ҳодисалари, занжирларнинг частотавий характеристикаси; тўрт қутблилик ва уларнинг тенгламалари, параметрлари ва алмашлаш схемалари; параметрлари тақсимланган занжирлар, носинусоидал ток чизиқли занжирлари; уч фазали занжирлар, уч фазали занжирларнинг симметрик ва носимметрик режимларини хисоблаш; актив ва тўла қувват, ўткинчи жараёнлар, ўткинчи жараёнларни хисоблашнинг классик ва оператор усуллари; Лаплас ўзгартиришларини носимметрик режимли занжирларни таҳлил этиш учун қўллаш, узатиш функцияси ва унинг дифференциал тенгламалар билан боғлиқлиги; частотавий электр фильтрлари; Фурье интеграли; ночизиқ электр занжирларнинг ўткинчи жараёнлари. Ўткинчи жараёнларни фазовий текисликда тасвирлаш, ночизиқий занжирларнинг иш режимида тургунлик назарияси асослари; автотебранишлар, электр ва магнит майдонларнинг асосий қонунлари, электр ва магнит майдонларида энергия ва кучлар ҳакида назарий хуносалар чиқариши ва амалий кўникма ва укувларни шакллантириши; универсал коллекторли микродвигателлар, электр моторларнинг характеристикаси ва ишчи режимлари, электр юритманинг айланиш тезлигини ростлаш, электр юритмаларда ўткинчи жараёнлар, электр моторларни танлаш, электр юритмаларни бошқариш, мобил агрегатларнинг электр юритмаси, махсулотларга бирламчи ишлов бериш агрегатларининг электр юритмаси, электр юритмаларни бошқариш схемаларида контактсиз ва мантикий элементлардан фойдаланиш бўйича амалий кўникма ва укувларни шакллантириши;

2.2. Касбий компонентлар

- ноэлектр катталикларни ўлчаш ўзгартгичлари, параметрик ва генератор ўзгартгичларнинг тузилиши, механик ва гидравлик катталикларни ўлчаш схемалари ва қурилмалари, ўлчаш тизимларининг унификацияси ва агрегатлаш, микропроцессорли ўлчаш воситалари, қишлоқ хўжалигида ахборот ўлчаш тизимлари ва унинг хусусиятлари ҳакида тасаввур ҳосил қилиши;

- қишлоқ хўжалиги тармоқларида электр юкланишлар ва уларни аниқлаш усуллари, электр энергетика тизимлари элементларини автоматик қайта улаш, электр энергетик тизимларда актив қувват танқислигида юкламани камайтириш билан частотани ростлаш, электр энергетик тизимларда реактив қувват ва кучланишини ҳамда частотани автоматик ростлаш, қишлоқ хўжалиги электр таъминоти тизимларини бошқариш, хисобга олиш ва автоматлаштириш, аварияга қарши автоматика, электр узатиш линияларида жароҳатларни излаш жараёнини автоматлаштириш, реле ҳимояси бўйича амалий кўникма ва укувларни шакллантириши;

- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қўлланиладиган трактор ва автомобилларнинг турлари, синфларга бўлиниш принциплари, асосий қисмлари уларнинг вазифалари, двигателларнинг турлари, ишлаш принципи, тўрт ва икки такти двигателларнинг қўлланилиши, тактларнинг бажарилиш кетма-кетлиги, двигателларнинг механизм ва системаларининг вазифалари ишлаши, двигателда ишлаб чиқарилган қувват балансини хисоблаш, трактор ва автомобилларда қўлланиладиган трансмиссия турлари, ишлаши, тракторлар ва ўзиорар комбайнларни бошқаришда замоновий инновацион технология ва усуллардан фойдаланиш, технологик жараёнларни масофадан бошқариш усуллари ва жихозлари ҳакида тасаввур ҳосил қилиши;

- қишлоқ хўжалиги машиналарининг турлари, ишлаш шароитлари, улар билан технологик жараёнлар бажарилишини ташкил қилиш ва бошқаришда автоматлаштириш қурилмаларидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалик машиналарини энергетика манбаси билан қўшиб агрегат ҳосил қилиш принциплари ва уларнинг ишини бошқариш, электр юритмаларни тузиш, ишлатиш, созлаш ва бошқаришда автоматика элементларини қўллаш, агрегатларнинг эксплуатацион кўрсаткичларини аниқлаш, очиқ ер

дехкончилигига химояланган ерларда махсулот етиштириш ва уларни кайта ишлани технологиясида жараёнларни бошқариш, назарот қилиш, иш маромини созлашда автоматика принциплари ва қурилмаларидан фойдаланиш;

- қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштириш ва уларга ишлов бериш жараёнларида қатнашадиган хизматчи, ишчи, операторларнинг меҳнат хавфсизлиги талабларига риоя қилишини таъминлаш усуслари, микроиклим кўрсаткичларини созлаш, ишлаб чиқариш шароитида мавжуд бўладиган хавфли ва заарли омиллардан химояланиш воситаларидан тўғри фойдаланиш, электр жихозлари билан ишлаганда нолинчи симга улаш, ерга улаш, ҳимоя воситаларидан фойдаланиш, иш жойини шамоллатиш, иситиш, ёритилганлигини таъминлаш, шовкин, захарли газларнинг чикишини ва тебранишнинг олдини олиш усуслари ва қурилмалари;

- электроника ва микропроцессор техникаси элементларини қўллашнинг назарий масалалари, фотоэлементлар, ярим ўтказгичлар, диодлар, транзисторлар, стабилизаторлар, таъминлаш блоки, тўғрилагичлар, фильтрлар, кучайтиричлар, матиқий элементлар, аналог ва рақамли интеграл микросхемаларнинг асосий элемент базаси, интеграл операцион кучайтиргичлар базасида йигилган ўзгармас ва ўзгарувчан ток кучайтиргичлари, микропроцессор техникасининг функционал элементлари, классификацияси ва таркиби, сигналларни ўзgartирishi ва ишлов бериш бўйича амалий кўникма ва укувларни шакллантириши;

- автоматлаштиришнинг техник воситалари ва рақамли автоматика, статик ва динамик характеристикалари, технологик жараёнларни автоматлаштиришнинг умумий схемасида техник воситаларнинг ўрни, информацион, технологик операцияларнинг техник воситалари, автоматлаштириш датчиклари, автоматик ростлагичлар, ижро механизмларини рақамли техника асослари, мантиқ алгебраси, импульс техникаси, шифраторлар, дешифраторлар, такт импульслари генераторлари, модуляторлар ва демодуляторлар, аналог – рақамли ўзгартиргичлар, рақамли аналог ўзгартгичлар, интерфейс, бошқариш учун компьютер билан боғлиқлиги билиши;

- автоматик бошқариш назариясида бошқариш обьекти, бошқарувчи ускуна, таъсирлар, стационар ва ностационар тизимлар, бир ўлчамили ва кўп ўлчамили тизимлар, барқарорлаштирувчи (стабиллаштирувчи), дастурли ва кузатувчи тизимлар, чизиқли динамик тизим, динамик тизимнинг ўтиш функцияси, ўтиш жараёнининг сифати, ўтиш жараёни сифатининг амалий аҳамияти, ростлаш вақти, статик хато, ортиқча ростлаш, тебранувчанлик, сўниш декременти тушунчалари билиш;

- технологик жарёнларни идентификациялаш ва моделлаштириш масалалари, идентификациялаш мезони, моделларнинг таснифи, статик ва динамик моделлар, стационар ва ностационар моделлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

- бошқарув тизимлари ва автоматика тизимларининг ишончлилиги ва диагностикасининг умумий масалалари, уларнинг технологик жараёнлар ва обьектларни ишончлилигини аниқлашнинг замонавий хисоблаш усуслари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

- автоматик тизимларни лойиҳалашда лойиҳалашнинг умумий масалалари ва асосий меъёрий ҳужжатлар, технология ва технологик жиҳозларни муофиқлаштириш, меъёрий ҳужжатлар, лойиҳаларнинг таркиби ва мазмуни, технологик жараёнларнинг структура, функционал-технологик ва принципиал схемалари, бошқарилувчи обьектларни тадқик этиш, ростлагичлар турини, назарот ўлчаш асбоблари ва автоматлаштириш воситаларни танлаш, бирламчи ўлчаш ўзгартгичларини танлаш, ижро механизмларини танлаш, ростлаш органларини танлаш билиши;

- технологик жараёнларни компютерли моделлаштириш асослари ва обьектларни моделларини шакллантириш усуслари ва бошқарув тизимларини замонавий инженерлик дастурлаш усуслари ва воситалари, асосий компонентлари билиши

2.3. Касбий квалификациялар:

Технологик жараёнларни автоматлаштириши мұхандиси, автоматлаштирилган тизимларни бошқариш мұхандиси, ишлаб чыкарышда автоматик тизимларни бошқариш мұхандиси, технологик жараёндаги автоматик тизимларни бошқариш мұхандиси, автоматчик, автоматика воситалари бүйіча техник, автоматик тизимларни монтаж ва созлаш мутахассиси, мұхандис дастурчи, технологик жиһозлар техники, техник инспектор, инженер электрик, технолик, схематехник, родиотехник, энергоаудитор, инженер энергетик, ишлаб чыкарыш жараёнини механизациялаштириш ва автоматлаштириш мұхандиси, мобиллашған ишлар мұхандиси.

3. 5311000 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чыкашини автоматлаштириши ва бошқарши (қишилөк хұжалигыда) бакалавриат таълим йұналиши үқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

3.1. 5311000 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чыкашини автоматлаштириши ва бошқарши (қишилөк хұжалигыда) бакалавриат таълим йұналиши үқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар

Бакалавриат таълим йұналиши үқув режаси ва фанлар дастурлари таълим йұналиши бүйіча бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофик, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўнімка ва малака компетенцияларини эгаллашими таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Үқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда үқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиши вақти, аттестациялар, амалиётлар, татиллар, семестрлар бүйіча ўтиладиган “Табиий-илмий ва гуманитар фанлар”, “Умумкасбий фанлар”, “Махсус фанлар”, машгулотлар турлари, ажратилған соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Үқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таяпч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

3.2. 5311000 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чыкашини автоматлаштириши ва бошқарши (қишилөк хұжалигыда) бакалавриат таълим йұналиши үқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари үқув ишларини үз ичига олган үқув юкламасининг энг юкори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чыкаришдан ажралған ҳолда (кундузги) ўқиши шакли учун аудитория машгулотларининг энг юкори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишининг меъёрий муддати түрт йил бўлгани ҳолда үқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Үқув даврининг умумий ҳажми қўйидагича тақсимланиши мақсадга мувофик:

Үқув даврлари	Кундузги таълим шакли учун*	Кечки таълим шакли учун*	Сиртқи шакли таълим учун*
Назарий ва амалий таълим*	40-60%	40-60%	40-60%
Шу жумладап, мустақил таълим	-	15-35%	25-45%
Аттестация	6-8%	6-8%	6-8%
Таътил	10-30%	10-30%	10-30%
Малакавий амалиёт	15-30%	15-30%	15-30%
Битирув малакавий иши	2-3%	2-10%	2-10%

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таяинч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият жабхаси, магистратуранинг асосий таълим дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўкув цикли, фан, техника, методология, тадқиқот, автоматлаштириш, илмий бошқариш, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, фан ишчи дастурлари, автоматлаштириш, бошқарув, ишлаб чиқариш, технологик жаरёнлар, қишлоқ ва қишлоқ хўжалиги обеъктларини автоматлаштириш, автоматик назорат, сигнализация ва ҳимоя тизимлари, автоматик бошқарув турлари, ростлаш тизимлари, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, элементлар ва воситалар, техник тизимларни автоматлаштириш, технологик жараёнлар, техник тизимларни бошқариш, энергия таъминотини автоматлаштириш, автоматик ростлаш тизимлари, электр ростлагичлар, датчиклар, буйруқ берувчи элементлар, электр юритмалари, электр тескари алоқаси, микропроцессорлар, компьютер технологиялар, автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари.

Илова

5311000 – Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришини автоматлаштириш ва бошқариш (қишлоқ хўжалигига) таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши

T/p	Ўқув фанлари, блоклар ва фаолият турларининг номлари	Умумий юкламанинг хажми, соатларда
1.00	Гуманитар ва табиий илмий фанлар	1740
1.01	Математика	120
1.02	Физика	120
1.03	Кимё	180
1.04	Муҳандислик графикаси	150
1.05	Назарий ва амалий механика	240
1.06	Ўзбекистоннинг энг янги тарихи	120
1.07	Фалсафа	180
1.08	Ўзбек (рус) тили	180
1.09	Хорижий тил	240
1.10	Ўзбек тилини соҳада қўлланилиши	90
1.11	Жисмоний тарбия ва спорт	120
2.00	Умумқасбий фанлар	2370
2.01	Қишлоқ хўжалигидаги ахборот-коммуникацион технологиялар	210
2.02	Электротехниканинг назарий асослари	210
2.03	Экология ва атроф мухит муҳофазаси	120
2.04	Метрология, стандартизациялаш ва ўзароалмашиш	270
2.05	Қишлоқ хўжалигидаги электр таъминоти	150
2.06	Светотехника ва электротехнология	240
2.07	Электроника ва микропроцессор техникиаси	270
2.08	Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаштириш	270
2.09	Рақамли курилмаларнинг дастурий таъминоти	120
2.10	Бошқарув объектларини идентификациялаш	120
2.11	Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти	150
2.12	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	120
2.13	<i>Танлов фанлари</i>	120
3.00	Ихтиоселик фанлари	2160
3.01	Автоматик бошқариш назарияси	210
3.02	Автоматлаштиришнинг техник воситалари	240
3.03	Автоматик тизимларни лойиҳалаш	270
3.04	Автоматлаштириш системаларининг диагностикаси ва ишончлилиги	270
3.05	Қайта ишлашда технологик жараёнларни автоматлаштириш	180
3.06	Бошқариш системаларининг элементлари ва курилмалари	120
3.07	Технологик назоратнинг асбоблари ва усуслари	240
3.08	Рақамли тизимни бошқариш	180
3.09	Автоматик тизимларини монтажи, созлаш ва эксплуатацияси	180
3.10	Технологик жараёнларни моделлаштириш ва оптималлаштириш асослари	180
	<i>Танлов фанлари</i>	90
4.00	Қўшимча фанлар	270
	ЖАМИ	6540
	Малака амалиёти	660
	Яқуний давлат аттестацияси	
	Аттестациялар	
	ЖАМИ	660
	ҲАММАСИ	7200

Эслатма: Уибу таълим дастурининг фанлар таркибига ва уларнинг умумий юкламалар ҳақимига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан ўзгартириши ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент давлат аграр университети

Ректор  Б.А. Сулаймонов


2020 йил « 20 » 14.016



М.У.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълим министрлари
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларин таълиқ этиш маркази

Директор  З. Шахимов

2020 йил « 20 » 14.016

М.У.



Кишлоқ хўжалиги вазирлиги ўқув
юртлари
ва малака ошириш бўлими бошлиги




 Ш.Жоникулов

2020 йил « 30 » 14.016.

М.У.

Электркишлoқкурилиш АЖ

Директор  Б.Машарипов

2020 йил « 20 » 14.016

М.У.



“Ўзбекэнерго” АЖ Илмий -
техник маркази МЧЖ

Директор  Х.М.Муратов

2020 йил « 30 » 14.016.

М.У.



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бакалавриат таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий комиентентлик талаблари)

Т.р.	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрлашаётган бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)		Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий комиентентлик талаблари)
	Шифри	Номи	
1.	5311000	<i>Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириши ва бошқарниш (қишлоқ хўжалигидаги)</i>	<p>Битирувчи қўйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқарниш таълим соҳаси йўналишларидаги махсус фанларни ўрганиш ва чукур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва уқувларни шакллантириш; - тупроқшунослик асослари, дәжончилик ва ўсимлиқшунослик асослари, чорвачилик асослари самарали фойдаланишни ташкил этиш; - мухандислик графикаси, геометрик моделлаштириш асослари, деталларнинг шакли ва фазовий ҳолатини ўзгартериш, комплекс чизмалар ва йиғиш чизмаларини “КОМПАС” ва “AUTOCAD” дастурлари ёрдамида график ахборотларни бажаришни шакллантириш; - сонли усуслар ва моделлаштириш бўйича билимга эга бўлиши; - электротехника, машиналар ва юритмалар тўғрисидаги билимни шакллантириш; - маҳсулот етиштиришда энергетик ва ишчи машиналар бўйича билимларни шакллантириш; - агросаноатда иссиқлик техникаси ва улардан фойдаланишни таҳлил қилиши ва хуносалар чиқариши; - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлишни механизациялаштириш ва автоматлаштириш тўғрисида билимга эга бўлиш; - суюқликнинг механик қонуниятлари, оқимларнинг таркиби, суюқликларда кучларнинг тарқалиши ва унинг харакати вақтида ўзгариш қонунларини турли хил курилмалар ва машиналарни лойихалашга тадбиқ этиш, автоматик бошқарнишни такомиллаштириш ва энергия тежамкорлигини яратиш, гидромашиналар, гидроузатмалар ва гидроюритмалар тўғрисида билимга эга бўлиш;

		<p>-чорвачилик ферма комплекслар технологик жараёнларида қўлланиладиган машина ва жиҳозларнинг тузилиши, ишлатилиши ва улардан фойдаланиш, уларни иш сифатини бошқариш ва назорат қилиш бўйича билимларни шакллантириш;</p> <ul style="list-style-type: none"> - қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва замонавий менежмент асосларининг моҳияти, иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш муаммолари юзасидан билимга эга бўлишини таъминлаш; -соҳа бўйича ахборот тизимларини лойихалашни, назорат қилишни ва бошқаришни; - микропроцессорлар, рақамли қурилмалар билан ишлашни ва уларни бошқара олиши; - ракамли қурилмаларни дастурий таъминотини бошқаришни; - тармоқ технологиялари ва тармоқ операцион тизимларини бошқариш ва улар билан ишлай олиши; - ақлли қишлоқ хўжалиги технологияларини тадқик қилиш ва тахлил қилишни; - ақлли қишлоқ хўжалиги технологияларини амалиётга қўллай олиши; -ақлли технологияларини бошқарувчи ахборот тизимларининг дастурий, техник ва ахборот таъминотини таъминлашни; - Smart, Cloud, Bigdata технологияларидан қишлоқ хўжалиги жараёнларида фойдаланила олиши; - интернет тармоғида ахборот қидиришни, интернет ресурсларидан фойдаланишни; - касбий фаолияти бўйича ахборот манзилларини қидириш, уларни саралаш, тизимлаштириш ва тахлил қилиш - қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнларига инновацион технологияларини жорий этиш; - иш сифати учун масъулиятни хис қилиш, ўз билими ва маҳоратидан технологик жараённи бошқаришда фойдалана олиш; индивидуал ва групудар билан ишлашда карорлар қабул қилиш.
--	--	--

Тошкент давлат аграр университети томонидан 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўкув режаларини ишлаб чиқиш бўйича турдош олий таълим муассасалари билан
КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Қибрай тумани

“30” сюнья 2020 йил

Қатиашдилар: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиги - А.Холиков, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўкув юртлари ва малака ошириш бўлими бошлиги – Ш.Жониқулов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини Давлат инспекцияси бошлиги ўринбосари - Б.Муродов, Ўзбекистон фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари Кенгashi раиси - А.Хайтов, Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси ўринбосари М.Рузметов, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси - Н.Бакиров, Экология ва атроф-мухитни муҳофаза килиш давлат қўмитаси раиси – Ш.Абдураззақов, Лимон етиширувчилар ва экспорт килувчилар уюшмаси раиси – Н.Фахрутдинов, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси кадрлар, ўкув юртлари ва илмий муассасалари билан ишлаш бошқармаси бошлиги – И.Султонова, “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси бошқарув раисининг биринчи ўринбосари - Р.Курбонов, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси Кенгаш раиси-М.Тулаходжаева, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори - Н.Э.Нажимов, “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ раиси ўринбосари - Р.Очилов, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази директори – Ш.Номозов, “Фалла-Алтег” АЖ ишлаб чиқариш корхонаси директори – Қ.Кувватов, ЎзРФА Микробиология институти директори-Қ.Давронов, ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси илмий-тадқиқот институти директори-А.Наримонов, Ўсимликларни ҳимоя килиш илмий-тадқиқот институти директори – К.Маматов, Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти директори - А.Хамзаев, Академик М.Мирзаев номидаги “Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти” бош директори - Ю.Саимназаров, Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти директори - А.Аманов, “Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик” илмий тадқиқот институти директори - Р.Низомов, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иктисадиётни илмий тадқиқот институти директори-Б.Султонов, Атроф-мухит ва табиатни муҳофаза килиш технологиялари илмий тадқиқот институти директори-С.Бўриев, Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жихатдан тартибга солиш илмий тадқиқот институти директори-А.Хамдамов, Чорвачилик ва паррандачилик илмий тадқиқот институти директори-А.Нурматов, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти директори-А.Ражабов, Тошкент давлат аграр университети ректори-Б.Сулаймонов, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори-Ў.Умурзаков, Самарқанд ветеринария медецинаси инситути ректори-Х.Юнусов, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ректори-К.Комилов, Тошкент давлат аграр университети ўкув ишлари бўйича проректори - С.Исламов, ТДАУ Нукус филиали директори-Е.Торениязов, ТДАУ Термиз филиали директори-А.Жўраев, ТошДАУ ўкув-услубий бошқармаси бошлиги-М.Атабаев, таянч ва турдош олий таълим муассасаларининг факультет деканлари, кафедра мудирлари ва етакчи профессор-ўқитувчилари ва таклиф этилганлар

КУН ТАРТИБИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сонли Фармонлари, “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги “2020/2021 ўкув йилидан кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисида”ги 357-сон буйргуда белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида турдош олий таълим муассасалари ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, идоралар ва бошқа корхоналар мутахассислари иштирокида 2020/2021 ўкув йилидан бошлаб кредит-модуль тизими асосида таълим жараёнини ташкил этилишини инобатга олиб 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти, 25 та бакалавриат таълим йўналишлари ва 33 та магистратура мутахассисликлари бўйича хорижий тажрибалар асосида тайёрланган малака талаблари ва ўкув режаларини мухокамаси.

Сўзга чиқди: А.Холиков – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2020 йил 2 мартағи ПФ-5953-сонли фармонлари, “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 9 январдаги РА1/1-20-сонли топшириғи ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги “2020/2021 ўкув йилдан кредит-модуль тизимига ўтиш тўғрисида”ги 357-сон буйргуда белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат аграр университетида ташкил этилган ижодий ишчи гурухлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”га мувофиқ ишлаб чиқилган 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, 25 та бакалавриат таълим йўналишлари, 33 та магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўкув режалари “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, шунингдек, асосий кадрлар истеъмолчилари ҳисобланган вазирлик, идора, ташкилот ва корхонларнинг олий ва ўрта махсус малакали кадрлар билан таъминланганлик даражаси, кадрлар тайёрлаш ва уларга бўлган реал эҳтиёжларни аниқлаш, уларнинг касбий малака ва қўнималарига қўйиладиган талаблар, худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган вазифалар, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳисоботлари ва таклифлари асосида хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Ишлаб чиқилган Давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўкув режалари турдош олий таълим муассасалари (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти, Самарқанд ветеринария медицинаси институти, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Ўзбекистон миллий университети, Тошкент давлат аграр университетининг Нукус, Термиз филиаллари, ГулДУ, БухДУ, КарДУ, ФарДУ, УрДУ, НамДУ, СамДУ) ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, идора ва корхонларнинг малакали мутахассислари иштирокида мухокамадан ўтказилиб, келишилган ҳамда Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази тизимидағи илмий-тадқиқот институтларининг етакчи мутахассис-олимлари томонидан такриздан ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги

